



Women's Issues in New Uzbekistan: achievements and challenges

Marguba NOSIROVA¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

25 February 2025

Keywords:

Female criminality,
Fergana Valley,
women,
nation,
upbringing,
morality,
ethics,
gender,
outcome,
offense,
antisocial behavior.

ABSTRACT

This article attempts to elucidate the essence of the process and problem of crimes committed by women, including the definition, statistics, causes, types, characteristics, and negative consequences of such crimes. Additionally, it analyzes and reflects on the fundamental problems of crime among women and potential solutions, based on materials from legal documents.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1-pp85-90>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: ютуқ ва муаммолар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Хотин-қизлар жинояти,
Фарғона водийси,
аёллар,
миллат,
тарбия,
ахлоқ,
ахлоқ,
жинс,
натижа,
хуқуқбузарлик,
антисоциал хулқ-атвор.

Мазкур мақолада хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар жараёни, муаммоси, шу жумладан жиноятларнинг таърифи, статистикаси, сабаблари, турлари, хусусиятлари, салбий оқибатларини мазмун моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган, шунингдек хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асл муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар материаллари асосида таҳлил қилиниб, фикр-мулоҳаза юритилган.

¹ PhD, Senior Lecturer, Andijan State University. E-mail: nosirova7974@gmail.com

Женский вопрос в Новом Узбекистане: достижения и проблемы

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

женская преступность,
Ферганская долина,
женщины,
нация,
образование,
этика,
мораль,
пол,
исход,
правонарушение,
антисоциальное
поведение.

В данной статье предпринята попытка раскрыть сущность процесса и проблемы преступлений, совершаемых женщинами, включая определение, статистику, причины, виды, характеристики и негативные последствия преступлений, а также правовые документы по исходным проблемам преступности среди женщин и пути их решения, на основе чего были проанализированы и даны рассуждения.

“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади” Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилди” [3]. Гендер тенглигига эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда хотин-қизларни жамият фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқий мавқеини юксалтириш, оила институтини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб қонунлар, фармон ва Президент қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

2019 йил 2 сентябрда “Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Аёлларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди [1]. Ушбу қонунлар хотин-қизларни никоҳда, иш жойида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда зулм ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга, шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга, гендер муносабатларининг олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга муносабати билан белгиланади. Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида таъкидлаганидек, “Гендер тенглиги сиёсати биз учун устувор масалага айланди. Давлат бошқарувида хотин-қизларнинг роли тобора кучайиб бормоқда” [2].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ислохотлар қаторида муҳим тарбия маскани бўлган оилага, аёлга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Аёл дейилганда, биринчи навбатда киши кўз ўнгида хотин-қизлар

сиймоси гавдаланади. Чунки оилани оила қиладиган, унинг барқарорлигини таъминлайдиган, оила аъзолари ўртасида ижтимоий ахлоқий муносабатларни умуминсоний қадриятлар асосида шакллантирувчи инсон бу аёлдир. Ўзбек хотин-қизларининг маъсулияти – уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган муносабати, миллат, халқ, жамият олдига ижтимоий маъсулиятнинг англаш умуминсоний қадриятлар ва маънавий-ахлоқий баркамолликни ўзида мужассамлаштира оладиган социал субъектлардан иборат бўлиши лозим [9].

Ўзбек аёли ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг ҳуқуқли, хатто баъзи масалаларда маълум даражада имтиёزلарга эга бўлган ходима, ишчи мураббий, раҳбар, тадбиркор, иқтисодчи, шифокор, геолог, муаллима бўлсада, лекин оилавий ҳаётда оила билан боғлиқ юмушлар улар зиммасидаги ташвишлар миқдорининг кескин ортишига олиб келади. Аёл ўзининг кенг кўламдаги фаолияти, билими, тажрибаси, маъсулияти ва ақл заковати, зийраклиги, ифбатту-ғўзаллиги билан ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ўзгариш ва ривожланиш жараёнига дахлдорлиги билан жамиятимиз мавқеида ўз ўрнига эгаллиги ёрқин кўзга ташланмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни турмуш шароитларини яхшилаш орқали жамиятнинг янгиланишда аёллар ишгиросикини кучайтириш учун шароит яратиш устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи қоидалар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган [8].

Афсуски, жамиятмизда ўз ўрнини топа олмай, ўзгалар фикри ва фитналарига алданиб қолаётган аёллар ҳам учраб туради. Маълумки, одам савдоси, гиёҳвандлик, фоҳишалик, фирибгарлик каби иллатлар ҳамон учраб турибди. Фақат одам савдоси билан қонунбузарлик фақат бир жинойтни ўз ичига олмайди [7]. Ахир жинойтчининг ҳаракатларида жабрланувчининг номусига тегиш, унинг баданига турли даражада шикаст етказиш, фирибгарлик, одам ўғирлаш, шунингдек ҳужжатларни қалбакилаштириш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш каби жинойтлар таркиби бўлиши мумкин. Бу эса, ушбу жинойтчиликка қарши курашадиган прокуратура, суд – тергов органларидан жинойт ишларини батафсил ўрганиб чиқишлари ҳамда тегишли суриштирув ва тергов амалиётларини ўтказишлари лозимлигини тақозо этади.

Очиқ тан олиш керак, одам савдоси билан боғлиқ жинойтларнинг деярли 40% га яқини аёллар томонидан содир этилмоқда. Демак, бу борада қилиниши лозим бўладиган ишлар етарли [6]. Ахир қонунбузарлар ўз жирканч фаолиятларини кўпчилик назаридан яшириб юра олмайдилар. Наҳотки уларга танбеҳ бериш, тартибга чақириб қуйиш ёки тегишли идораларга мурожаат этиш ҳар биримизнинг фуқоролик бурчимиз эканлигини билмасак. Ахир одам савдоси қурбонига айланишдан ҳеч ким кафолатланмаган.

Шубҳасиз, кўп ҳолларда одам савдосининг олдини олишдан энг ишончли восита аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўришдир. Бироқ кўп ҳолларда, айниқса, ёшларимиз, аёлларимизнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари, хорижда осон пул топиш мумкинлиги ҳақидаги фитналарга ишонувчанлиги ҳам бундай тарздаги қонунбузарлик ва жиноятлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Кейинги йилларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг одам савдосига, гиёҳвандлик, фоҳишалик, фирибгарликка қарши олиб борилаётган режали кураши ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Оилани ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётган бир пайтда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласини тўғри ва ижобий ҳал қилишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- хотин-қизларга нисбатан барча шаклдаги камситиш ва зўравонликка йўл қўймаслик;

- жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;

- аёл ва эркакнинг масъулияти, ўзларининг оиладаги бурчини тўлиқ ҳис қилиши, ўзаро ҳурмати ва оилавий муаммоларнинг ечимини бафуржа ҳал қилишида имкониятлар яратиш;

- аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва диний саводхонлигини ошириш;

- маҳалла фуқоролар йиғинида ота-оналарнинг мафкуравий, педагогик, психологик билим савиясини ошириб бориш;

- аёлларнинг илмли бўлиш даражасини оширишни таъминлашда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- телеканаллар орқали оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатадиган хориж сериалларини кўпайтиргандан кўра, миллий менталитетимизга ҳос оилавий муносабатларни акс эттирадиган дастурлар сонини кўпайтириш;

- маҳалла фуқоролар йиғинида психологик тренинглар ташкил этиш ва унга аҳолини қизиқтириш.

- қизларга замонавий таълим-тарбия беришга кўмаклашиш;

- хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш;

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда маънавий ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш жамият ва давлат ривожининг муҳим мезонидир. Сўнгги йиллар мобайнида аёллар ҳуқуқларини камситишга йўл қўймаслик, хотин-қизларни мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш учун бир қанча ҳуқуқий асослар яратилган.

“Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон билан 2022–2026-йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда Миллий дастурни 2022–2023-йилларда амалга оширишга қаратилган 6 та асосий йўналиш ва 112 та банддан иборат бўлган комплекс чора-тадбирлар режаси

тасдиқланиши ҳам аёллар масаласининг давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида қаралаётганлигидан далолат беради. Шунга асосан, олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртқи ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилиши тартиби жорий қилинмоқда. Қолаверса, ҳар йили 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота- онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилиши, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун 300 тадан мақсадли квота ажратилиши ҳам белгиланди. Шу жумладан, 18 минг аёлга уй-жой харид қилиши учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани уларга муносиб шароитлар яратиб бериш борасидаги ислохотларнинг юксак намунаси бўлди. Хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус жамғарма ташкил этилиб, давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм маблағ ажратиш йўлга қўйилди.

Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва имтиёزلарга жавобан, юртимизни янада ривожланиши учун биз зиёлилар муносиб ёш авлодни тарбиялаш билан бир қаторда яшаб турган маҳалламиз туманимиз ва вилоятимизда, фаолият олиб бораётган жамоамизда хотин-қизларни жамиятда ўз ўрнига эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб, уларга тўғри маслаҳатлар билан йўналтириш орқали ўз ҳиссамизни қўшиш бурчимиздир.

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида миллий дастур ишлаб чиқилди.

Миллий дастурнинг мақсади – хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан, давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда давлатимиз ва Президентимиз томонидан хотин-қизларимизга берилаётган барча имкониятлар ва имтиёзлар ўз натижасини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'g'risida Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasi qonuni // Xalq so'zi – 2019. – 3-sentabr.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 5-mart 2021-yildagi PQ-5020-son qarori, <https://lex.uz/docs/-5320582>

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. // Xalq so'zi 2020. -8 mart.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assamblyasining 75-sessiyasidagi nutqi. // Yangi O'zbekiston - 2020. -24 sentabr.

5. Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni // Xalq so'zi -2018. -2 fevral.

6. Jamiyatda ijtimoiy ma'naviy muhitni sog'lomlashtirish, mahalla institutini yanada qo'llab-quvvatlash hamda oila va xotin-qizlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni // Xalq so'zi -2020. -20 fevral.

7. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. -Toshkent: O'zbekiston, 2017.

8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекстон давлатини биргаликда барпо этамиз. // <https://lex.uz/docs/4494712>